

Хушхабар- "Навоиязот" АЖнинг раҳбар-ходими «Шуҳрат» медали билан мукофотланди!

// 27 avgust 2024 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/hushhabar-navoiyazot-azhning-rahbar-hodimi-shuhrat-medali-bi>



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Аҳамиятлиси, Мустақиллигимизнинг 33 йиллик байрам шодиёнаси арафасида эътироф этилган фидойи юртдошларимиз қаторида «Навоиязот» Акциядорлик жамиятининг Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси цехи бошлиғи ўринбосари Асатов Камолиддин Убайдуллоевич «Шуҳрат» медали билан мукофотланди!

Камолиддин Асатов 1985 йили Навоий шаҳрида таваллуд топган. 2005 йилдан буён «Навоиязот» корхонасида меҳнат қилиб келмоқда.

«Ўзкимёсаноат» АЖ жамоаси Камолиддин Асатовни юсак мукофот билан муборакбод этади ҳамда унинг келгуси ишларига улкан зафарлар тилайди!

